

---

## “ТИЛ БАЙРАМИ - МИЛЛАТ БАЙРАМИ”

Жонажон Ўзбекистонимиз байрамларига яна бир байрам қўшилди. Бу ҳам бўлса, 21-октябр “Ўзбек тили байрами куни”дир. Бу байрам ўзбек халқининг миллий байрами сифатида, янги Ўзбекистоннинг тарих зарварақларига муҳрланди. Президентимиз Ш. М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбек тили байрами куни” ни белгилаш тўғрисидаги тарихий қонунни имзолади. “Давлат тили ҳақида” ги қонун қабул қилинган кун – 21 октябр санасининг “Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилиниши, мамлакатимизнинг янги тарихи, янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган буюк ислохотларнинг юксак самараси, мустақил Ватанимиз ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маданий, маънавий ҳаётидаги улкан воқеадир.

Дунёдаги давлатлар олдиға йўналишлар ва замонавий глобал жараёнларға қўшилиш вазифасини қўяётган минтақалашув ва глобаллашув даврида, Президентимиз томонидан анъанавий қадриятлар, миллий ва маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш ҳамда Ўзбек тилининг ривожини учун илгари сурилган бу ташаббуслари, она заманимизда яшаб, ижод қилган, миллатнинг ҳурлиги, бахту-саодатига бутун истеъдодини бағишлаган, керак бўлса жонини тиккан, ўз она тилини турли зўрловлар натижасида равнақ топиши учун тўсқинлик қилган кучларға қарши курашган юрт ўғлонларини ҳам руҳларини шод қилган бўлса ажаб эмас.

Ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий ҳам ўзбек тилини шаклланишида, уни ёт унсурлардан асраш, соф, равон, ифодали тил бўлиб яралишида салмоқли ҳисса қўшган. Абдулла Қодирий мақолаларидан бирида “Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал деганларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнқамасинлар деган.” Мана тилға бўлган чин муҳаббат. Ана шу маҳаббат орқали ўзбек адабиётида, ўзбек тилида илк роман вужудға келган.

“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.

Миллатпарвар мутафаккир Абдулла Авлолонийнинг бу сўзлари ҳеч бир замонда аҳамиятини йўқотмайди. Чунки миллат деганлари тилға кўра белгиланади. Тил – миллатнинг мавжудлик шартини. Миллат вужуд бўлса, тил – руҳ. Шу боис ўзини таниган, ўзлигига эға ҳар бир миллат она тили ривожини ҳаёт-мамот масаласи деб билади. Тил тараққийси учун бор имкониятини ишға солади. Она тилимиз давлат тили мақомига эға бўлгани, “Ўзбек тили байрами куни” ни миллий байрам сифатида нишонлашимиз, унинг ривожини учун ҳуқуқий қафолат демакдир.

Ниятимиз улуғ ва ёруғ! Президентимиз имзолаган ушбу тарихий ҳужжат сабаб, янги Ўзбекистонда она тилимизнинг қадди янада юксалсин, айни пайтда кўпмиллатли халқимиз тотув ва ҳамжиҳат яшаб барча соҳаларда баланд-баланд чўққиларни забт этсин, дунёнинг қай бир ҳудудида, қайси мамлакатида бўлмасин, ҳар бир юртдошимиз ўзбекистонлик эканидан доим ғурурлансин! Ўзбекистон болалари ўзбекча сўзлаб, ўзбекча куйлаб, ҳамманинг ҳавасини келтирсин! Кун келиб дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган она тилимиз жаҳон тилларидан бириға айлансин!

Бу байрамға муносиб ҳозирлик кўриш, миллий тил ривожига ҳалол меҳнат билан ҳисса қўшиш, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг фуқаролик бурчидир.

У. Холматов,

туман ҳокимининг маънавий – маърифий

ишлар самарадорлигини ошириш

Давлат тили тўғрисидаги қонун

ҳужжатларига риоя этилишини

---

таъминлаш масалалари бўйича

---

2020-04-13 10:55:08